

Хатирчи туман ХТБ га карашли №5-сонли, №58-сонли ва №86 сонли мактаб биноларини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топшириш.

Хатирчи туман

08.04.2022-й

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Хатирчи туман ХТБ мудирини номидан «Низом» асосида иш курувчи О.Бабакулов бир томондан ва кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Богишамол Фаровонлиги» МЧЖ номидан «Низом» асосида иш курувчи К.Абдукодилов иккинчи томондан Хатирчи туман ХТБга карашли №5-сонли, № 58-сонли ва №86 сонли мактаб биноларини жорий таъмирлаш ва фойдаланишга топширишга доир мазкур шартнома тузадилар.

### 1. ТАРАФЛАР

1. 1 Мазкур шартномада куйидаги тарифлар кўлланилади:

**ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

**1.2 қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

**1.3 вақтинчаликиншоотлар**-Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

**1.4 беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

**1.5 шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### 2. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларига ХТБга карашли №5-сонли, №58-сонли ва №86 сонли мактаб биносини жорий таъмирлаш учун лойиҳада кўзда тутилган таъмирлашишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 3. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва эркин танлов савдоси комиссиясининг қарори ( сана 07.04.2022 йиллот № 60828 электронбаённомаси) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 378 650 777 (уч юз етмиш саккиз миллион олти юз эллик минг етти юз етмиш етти сўм)ни ташкил этади.

### 4. ПУДРАТЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 4 - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

4.2 Қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб- ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;

Қурилиш майдонихудудида вақтинчаликиншоотлар қуриш;

4.3 Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;

мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдоникўрикланишини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.4 Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур

тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

## **5. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ**

5.1 Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган

Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.2 Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш; молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқанс бериш ва жорий

Молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

## **6. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

6.1. Шартнома:

имзолаган пайтдан бошлаб Хатирчи туман Газначилик булимидан рўйхатдан утгандан сунг конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома конун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2 Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3 Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 60 кунни ташкил этади.

Мазкур шартнома бўйича ишларни бажариш жадвалига мувофиқанс амалга оширилади.

## **7. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

7.1 Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида, иш бошланиши оидан аванс тўказади, 113 595 233 сўмни ташкил этади.

Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади

7.2 Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган аванс ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

7.3 Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссиясига томонидан белгиланган тартибда мазкур шартномада белгиланган қолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

7.4 Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.5 Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

## **8. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

8.1 Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини, техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2 Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3 Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4 Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.5 Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.6 Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги



хужжатларни беради.

8.7 Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8 Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9 Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10 Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11 Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12 Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.13 Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишнадзорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.14 Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектқурилишнадзорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

8.15 Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарида киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16 Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17 Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилиғисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18 Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.19 Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.20 Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.21 Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

8.22 Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## 9. ИШЛАРНИ ҚЎРИҚЛАШ

9.1 Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## 10. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат



ходисаларивабошқаенгиб бўлмай диган куч ҳолатларинати жасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.2 Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати энгиб бўлмай диган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.3 Агар энгиб бўлмай диган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

10.4 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## 11. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ОГОҲЛАНТИРИШ

11.1 Томонлар буни эълон қилишади:

-Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари мазкур шартнома бўйича ўзмажбуриятларини бажариш чоғида Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш ва ёки коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларини бузилишига олиб келадиган ҳаракатлар/ҳаракатсизлик қилмайдилар, шу жумладан (лекин чекланмаган ҳолда) пора бериш ёки пора бериш, пора бериш, товламачилик, пора олиш учун бевосита ёки билвосита розилик берадилар.

11.2 Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғлиқ) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатли вакиллари, шу жумладан пул суммалари, совғалар бериш, уларга бепул хизмат кўрсатиш ёки ушбу ходим ёки ваколатли вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига бирон-бир ҳаракат/ҳаракатсизлик бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажариш орқали рағбатлантиришдан бош тортадилар.

11.3 банднинг қоидаларини бузиш содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин бўлган шубҳалар мавжуд бўлса, мазкур шартноманинг тегишли томони бу ҳақда иккинчи томонни хабардор қилиши, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари нормаларини бузилганлиги фактининг инкор этилмай диган далиллар мавжуд бўлган тақдирда еса, амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатли органлар ҳам хабардор қилиши шарт.

## 12. ҚУРИЛИШИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

12.1 Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

12.2 Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 5 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

12.3 Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## 13. КАФОЛАТЛАР

13.1 Пудратчи:

-барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

-лойиҳа ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидаларива техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

-ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

-ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

-объектдан фойдаланилган дамуҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

13.2 Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 1 белгиланади. Объект кафолатли муддати камида 1 ой этиб белгиланади.

13.3 Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

13.4 Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

13.5 Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг

VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

13.6 Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

#### 14. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

14.1 Буюртмачи:

-шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

-ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

14.2 Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

-қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

14.3 Пудратчи:

-ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

-Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

-Қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

14.4 Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

14.5 Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қоида мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

14.6 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

14.7 Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

#### 15. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

15.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон: иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

15.2 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

15.3 Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

15.4 Етказиб берилган товарлар (ишлар, хизматлар) ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун сотиб олувчи (буюртмачи) етказиб берувчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорига пеня тўлайди.

15.5 Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортини, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

15.6 Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### 16. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

16.1 Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмас улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда хўжалик суди томонидан қўриб чиқилади.

#### 17. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

17.1 Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

17.2 Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

17.3 Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.



17.4 Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

17.5 Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

17.6 Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

17.7 Мазкур шартнома бирхил юридик кучга эга бўлган 4 нусхадатузилди.

Мазкур шартнома газначилик булинмасидан руйхатдан утгандан сунг кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабр кунигача қадар амал қилади.

## ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

### Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари:

#### Пудратчи

#### Буюртмачи

“Богишамол Фаровонлиги” МЧЖ

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Навоий вилояти Хатирчи тумани

Тел./факс 93 439 76 - 39

Банк номи: ККБ банк

Навоий шаҳар фил

р/с 20208000904778106001

МФО00202 СТИР 301164436

ИФУТ: 41202

Рабари

К. Абдуқодиров



Хатирчи туман Халқ таълими бўлими

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Хатирчи туман Мустақиллик куча 2

Банк номи: Марказий банк Тошкент шах.

р/с 100022860122517092100075205

МФО00014 СТИР 200026285

ОКОНХ

О. Бабақулов

Газначилик булинмаси номи Хатирчи тумани

Газначилик булинмаси

Газнар/с: 234020030010001010

Банк номи: Марказий банк ХККМ МФО: 00014



**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDAGI  
XULOSA**

**№**

**1. Loyihaning turi**

Shartnoma

**2. Loyihaning nomi**

Xo'jalik shartnoma

**3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot**

Xatirchi tuman xalq ta'lim bo'limi

12.04.2022 yil

Xatirchi tuman xalq ta'lim bo'limi tomonidan, 5-58-86-maktablarning binolarini ta'mirlash to'g'risidagi 378 650 777 so'mlik xo'jalik shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik talablariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Yuridik xizmat ko'rsatish markazi  
bosh yuriskonsulti**



**M.Quldoshev**

**12.04.2022 yil**

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 60828 на приобретение Хатирчи тумани ХТБга қарашли 5,58,86-мактабларни жорий таъмирлаш учун**

Способ проведения электронный

Дата 07.04.2022

Время рассмотрения 07.04.2022 11:49

Конкурсная комиссия Хатирчи тумани Халқ таълими Булими (ММБХ), (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	BAVAQULOV ODILJON MAXMIDDONOVICH	Муаллим	Хатирчи туман ХТБ
<b>Секретарь комиссии</b>	XOLMURODOV XURSHID QULMAMATOVICH	Хатирчи туман ХТБ МТЭБ бошлиғи	Хатирчи туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	BURJAYEV MAQSUDJON RAHXIDDIN O'G'LI	Хатирчи туман ХТБ МТЭБ уринбосари	Хатирчи туман ХТБ
<b>Член комиссии</b>	RAHMATULLAYEV ASLIDDIN SULAYMONOVICH	ДХШБ мутахассиси	Хатирчи туман ХТБ ММБХ
<b>Член комиссии</b>	GADAYEV ABDUHAKIM SAURULLAYEVICH	Бош хисобчи	Хатирчи туман ХТБ ММБХ
<b>Член комиссии</b>	ZOIROV UMRZOK TUXTATOSHEVICH	коммунал туловлар ишлаш буйича мутахассиси	ХТБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 07.04.2022 года № лота 60828.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>		
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий 5-58-86-мактаблар		
Количество товара	1,00		
Единица измерения			
Цена товара (услуги) за единицу	389 873 066,00		
Стартовая сумма	389 873 066,00		
Валюта	UZS		

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 3. Пудратчи тугрисида маълумот, Рейтинг

Тип: Текстовое значение

Описание: Ташкилот низоми, рўйхатдан утказилгани тугрисида маълумот нуқсаси . ташкилот такрибий структураси Пудратчининг: Курилиш вазириги и максус электрон проталиди рейтинги мавжудлиги тугрисида маълумот (ССС булиш авазларок )

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
NAVQY-OMAD-INVEST MCHJ	25	+++	20	Экспертная	
BOG ISHAIJOL FAROVONLIGI MCHJ	25	378650777	25	Экспертная	
Jauirbek gold servis	25	382226929	25	Экспертная	
Montaj Servis Maikrabot MCHJ	25	тақдим этилади	8.3	Экспертная	
LEADER SERVICE NAVOI MCHJ	25	268772077	8.3	Экспертная	

Критерий №2. Ишчи тугрисида ходимлар, Иш таърибаси

Тип: Текстовое значение

Описание: Инжинер техник ходимлар ва доимий ишчи мутахассислар тугрисида маълумот Ташкилотни охириги Уч йил мобайнида бажарган ишлари ҳамда конкурс объектига ухшаш объектда бажарган ишлари тугрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
NAVQY-OMAD-INVEST MCHJ	25	++++	25	Экспертная	
BOG ISHAIJOL FAROVONLIGI MCHJ	25	378650777	25	Экспертная	
Jauirbek gold servis	25	382226929	25	Экспертная	
Montaj Servis Maikrabot MCHJ	25	13	12.5	Экспертная	
LEADER SERVICE NAVOI MCHJ	25	268772077	8.3	Экспертная	

Критерий №3. Молиявий холати, Машина механизмлар тугрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани охириги йиллик балланс хисоботлари (Давлат солиқ инспекциясидан тасдиқланган Булиш керак),Курилиш ташкилотини хисоб рақамиди конкурсдаги курилиш ишлари суммасини 20 % микдориди пу маблоти мавжуд булиши ёки шу микдорда айланма маблоти борлиги тугрисида Банк хати Ташкилотни балансида мавжуд машина механизмлари хақида маълумотлар ёки керакали машини ва механизмлар билан таъминловчи корхонанинг кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание
NAVQY-OMAD-INVEST MCHJ	25	++++	8.3	Экспертная	
BOG ISHAIJOL FAROVONLIGI MCHJ	25	378650777	20	Экспертная	
Jauirbek gold servis	25	382226929	20	Экспертная	
Montaj Servis Maikrabot MCHJ	25	Тулик бажарилади	20	Экспертная	
LEADER SERVICE	25	268772077	20	Экспертная	



Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVYOI MЧЖ						

Критерий №4. Банк ва солиқдан қарзи йўқлиги туғрисида

Тип: Текстовое значение

Описание: Банк ва солиқдан қарзи йўқлиги туғрисида маълумот. қайси турдаги солиқ тўловчи эканлиги туғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAVYOI-OMAD-INVEST MЧЖ	25	+++	25	Экспертная		
BOG ISHAMOL FAROVONLIGI MЧЖ	25	378650777	20	Экспертная		
Jasurbek gold servis	25	382226929	20	Экспертная		
Montaj Servis Malikrabort MЧЖ	25	ТУЛИК бажарилади	25	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	25	268772077	25	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стерговая сумма	Предлагаемая сумма	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NAVYOI-OMAD-INVEST MЧЖ	389 873 066.00	345 000 234.00	05.04.2022 16:11:27	
BOG ISHAMOL FAROVONLIGI MЧЖ	389 873 066.00	378 650 777.00	05.04.2022 16:30:14	100.00
Montaj Servis Malikrabort MЧЖ	389 873 066.00	334 016 558.00	06.04.2022 10:13:28	
Jasurbek gold servis	389 873 066.00	382 226 929.00	05.04.2022 16:32:05	99.06
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	389 873 066.00	268 772 077.00	06.04.2022 10:46:10	

Итоговая оценка участников включая финансовую часть составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
NAVYOI-OMAD-INVEST MЧЖ	Прошел		0
BOG ISHAMOL FAROVONLIGI MЧЖ	Прошел	100	100
Montaj Servis Malikrabort MЧЖ	Прошел		0
Jasurbek gold servis	Прошел	99.06	99.06
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	Прошел		0

МЧЖ	

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 60828 от 07.04.2022 года на приобретение Хатирчи тумани ХТБга қарашли 5,58,86-мактабларни жорий таъмирлаш учун определелила победителем:

BOG ISHAMOL FAROVONLIGI MЧЖ  
301164436

и резервный исполнитель: Jasurbek gold servis (301260490)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	ВАБАҚҚУЛОВ ОБИДУЛ МАХМУДУВИЧ	Согласен	
Член комиссии	ZOIROV UMRZOK TUKHATOSHEVICH	Согласен	
Член комиссии	BURTUEV MAQSDUDION FAXRIDDIN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП